

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5.2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Йўлдашев	
Темурбек Казбеков – Германияда ўқиган андижонлик талаба.....	91
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Ф.Орипжонова	
А.Ахматованинг ижодини ўрганишда метафорик ёндошув	95
З.Қобилова, Э. Қобилова	
Татабуда шакл ва мазмун	98
З.Ж.Пардаева	
Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи метафорикасида бадий тафаккур фалсафаси талқини.....	101
В.Аҳмедова	
Тарихий драмада Амир Темур образи	105
А.К.Абдурахмонов	
Адабиётда турна тимсолининг тасвирига доир.....	109
Г.Муҳаммаджонова	
Ўзбек ва жаҳон адабиётида мусаввир образи	112
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (I қисм)	117
ТИЛШУНОСЛИК	
Н.Муродова	
Инглиз, рус ва ўзбек тилларида энантиосемияни ўрганишнинг тарихий асослари	122
Н.Чиниқулов	
Оммавий коммуникацияда ахборот матнлари	127
М.Мамажонов	
Антропонимлар дискурс релевант сифатида.....	130
Н.Т.Махмудова	
Айрим телекоммуникация терминларида ўз ва ўзлашган қатлам муносабати.....	133
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
Р.Х.Максудов	
Эллинг ардоқли шоири	137
А.Сабирдинов, Н.Мамадалиев	
Асқар Қосимов шеърий маҳоратининг баъзи жиҳатлари тўғрисида	139
А.Турдиев	
Замонавий ўзбек адабиётида фольклоризм	141
Б.Қурбонова, З.Каримова	
Ўзбек ва қыргиз фразеологизмларининг семантик таҳлили.....	145
С.Усмонова	
Ўзбек ва инглиз маърифатпарварлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий асослари	148
Ж.М.Отажанов	
Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида рефлексив кўникмаларни ривожлантиришнинг шартлари.....	152
О.Хасанова	
Янги сўзларни ўқувчиларга ўргатишда мнемотехникадан фойдаланиш усуллари	156
Д.Қамбарова	
Мавзуни тақдим қилиш, талабаларга билим бериш ва назорат усуллари	160
ҚОНУН ВА ИЖРО	
А.Ўринов	
“Фанлар подшоҳи” – Республика Президенти нигоҳида	163

УДК:10+8-83

АНТРОПОНИМЛАР ДИСКУРС РЕЛЕВАНТ СИФАТИДА
АНТРОПОНИМЫ КАК ДИСКУРСНАЯ РЕЛЕВАНТНОСТЬ
ANTROPONYMS AS A DISCOURSE RELEVANCE

М.Мамажонов

Аннотация

Мақолада нутқий тузилмани мулоқот жараёни сифатида ўрганиш натижасида юзага келган дискурс, релевант тушунчалари ва антропонимларни бу тушунчалар билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишининг афзаллик томонлари баён этилган.

Аннотация

В статье изложены такие понятия, как дискурс, релевант, возникшие в результате изучения речевой структуры в качестве процесса общения, а также преимущественные стороны исследования антропонимов в неразрывной связи с данными понятиями.

Annotation

The article considers positive sides of the notion of discourse and relevant notions resulting from the study of speech structure as a process of communication and connection of these concepts with antroponyms.

Таянч сўз ва иборалар: антропоним, дискурс, релевант, интеграция, фанлар чорраҳаси, диалог, суҳбат, тадқиқ, дискурсив таҳлил, нутқ, жараён, лингвистика, яқинлашиш, бирлашиш, фарқлаш.

Ключевые слова и выражения: антропоним, дискурс, релевант, интеграция, смежные науки, диалог, беседа, исследование, дискурсный анализ, речь, процесс, лингвистика, сближение, объединение, различие.

Keywords and expressions: anthroponym, discourse, relevant, integration, related science, dialogue, conversation, research, discourse analysis, speech, process, lingvistics, convergence, union, difference.

XX асрнинг сўнгги чорагидан жаҳон тилшунослигида лисоний фаолият маҳсулӣ бўлган ҳар қандай нутқий тузилмани уни яратувчи шахс – муаллиф ва реципиент мулоқоти нуқтаи назаридан тадқиқ этишга катта эътибор қаратила бошланди. Нутқий тузилмани мулоқот жараёни сифатида ўрганиш дискурс тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди [8,16].

Дискурс (фр. Diskours – нутқ, ҳаракат) термини жаҳон тилшунослигида бир неча маънода талқин қилинади. Бу термин дастлаб боғланма матн тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик суҳбат, диалог тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди [4,467]. Мазкур термин остида ҳозирги кунда экстралингвистик, хусусан, психологик, ижтимоий ва шахс онги билан боғлиқ омилларни мужассам этган нутқ тушунчасини тушуниш тенденцияси кенгайиб бормоқда [6,7]. Шунинг билан бирга, **дискурс** сўзи ифодалаган ҳодисани соғтилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиб бўлмаслиги, бунда психология, гносеология, жамиятшунослик, фалсафа, когнитология каби бир неча фанларнинг ҳамкорлиги тақозо этилиши ҳам айни кунда эътироф этилган хақиқатdir [6,8].

Ўтган асрнинг 50-йилларида америкалиқ тилшунос Зеллиг Харрис

томонидан биринчи марта қўлланилган **дискурс** сўзи бугунги кунда тилшуносликнинг марказий масалаларидан бирини ифодаловчи ҳодисани англатмоқда.

Дискурс тушунчаси ҳозирги даврда шиддат билан содир бўлаётган фанлар интеграциясини ўзида яқол намоён этади. У адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафа, тарих, социология, антропология, педагогика, сиёсатшунослик каби фан соҳаларининг ҳар бирида маҳсус дефиницияга эга бўлиши билан бирга, бугунги кунда янги йўналишлардан бири ҳисобланган дискурсив таҳлилнинг ҳам марказий муаммоларидан бирига айланди.

Қўринадики, нутқий тузилмани бу тарзда ўрганиш тадқиқотчига жуда катта имкониятлар эшигини очиб бериш билан бирга, унинг дискурсив таҳлил деб номланган “фанлар чорраҳаси”дан ўтишини ҳам тақозо этади.

Релевант сўзининг ўзаги реле (электр занжирини улайдиган ва узадиган асбоб, автомат рубильник [5,352]) бўлиб, О.С. Ахманова луғатида унинг *тил бирликларини фарқлаш, мулоқот ёситаси маъноларида қўлланилиши ҳам берилган* [1,383]. Биз ҳам бу терминни айнан мана шу маъноларда қўллаймиз.

М.Мамажонов – ФарДУ, тилшунослик кафедраси ўқитувчisi.

ТИЛШУНОСЛИК

Демак, бизнинг ушбу мақоламиз-антропонимларнинг нутқда мuloқот воситаси, ўзи номлаётган обьектни фарқлашлик хусусиятлари ҳақида.

Маълумки, антропонимлар филологияда атрофлича ва анча чуқур ўрганилган мавзу сифатида эътироф этилади. Айниқса, А.В.Суперанская, А.В.Суслова, В.А.Никонов, Ф.Абдуллаев, Э. Бегматов, Г.Ф.Саттаров, З. Садихов, М.Н.Чобанов, Х. Алиев, Т.Кусимова, Т.Жанузаков, С.Атаниязов, Д.Анданиязова, Н.Юсуфова, М. Адилов, А.Г. Шайхуллов, Н. Мингбаев каби турли миллатга мансуб тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг бу борадаги хизматлари бекиёсdir [Батафсилоқ қаранг: 2,4-31].

Бироқ, юқорида номлари келтириб ўтилган олимларнинг ишларида антропонимларга дискурс релевант, янаям аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, мuloқот воситаси, фарқловчилик хусусиятларига монографик тарзда эътибор қаратилмаганлиги бизнинг ушбу мавзуга мурожаат қилишимизга сабаб бўлди. Зоро, ўзбек тилшунослигига дискурсив таҳлил ва когнитив тилшунослик соҳалари эндиғина кириб келмоқда [8,19].

Кўринадики, нутқий тузилмани бу тарзда ўрганиш тадқиқотчига жуда катта имкониятлар эшигини очиб бериш билан бирга, унинг дискурсив таҳлил деб номланган “фанлар чорраҳаси”дан ўтишини тақозо қиласди.

Дискурсив фаолият жараёнини ўрганмасдан туриб дискурс ҳодисасини тушунтириб бўлмайди. Дискурсив фаолият нутқ яратиш ва уни идрок этиш жараёнидир [6,19]. Бинобарин, ушбу жараён нутқ яратувчи – адресант, уни қабул қилувчи – адресат шахси билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда дискурсив таҳлил психолингвистика, социолингвистика, когнитив лингвистиканинг бир нуқтада кесишишини тақозо этади.

Хўш, антропоним, антропонимика (лексикологиянинг киши исмлари билан шуғулланувчи бўлими [1,50], киши исм-фамилияси ва уларнинг ўрнида қўлланувчи номлар) дискурс релевант сифатида, деганда нимани тушунамиз ва масалани бу тарзда ўрганиш бизга нима беради?

Бу ўринда аввало шуни айтиб ўтиш керакки, масалага бундай ёндашув, биринчидан, нутқий тузилмани дискурсив

таҳлил деб номланган фанлар чорраҳасида ўрганиш имконини берса, иккинчидан, тадқиқотчилар томонидан анча батафсил ўрганилган антропонимларнинг мuloқот жараённда тутган ўрнини антропоцентрик нуқтаи назардан тадқиқ этиш имконини туғдиради.

Бугунги кунда дискурсив таҳлилнинг бир неча йўналишлари мавжуд [8,18] бўлиб, улардан бири дискурс интерпретациясидир. Дискурс интерпретацияси нутқ тузилмасини “ичдан” туриб таҳлил этувчи, когнитив тилшунослик билан узвийликка эга бўлган таҳлил тадқиқотчидан биридир. Дискурсив таҳлил тадқиқотчидан ҳам муаллиф нуқтаи назарини, ҳам ўкувчи нуқтаи назарини эътиборга олишни талаб қиласди [8,18].

Бу фикрнинг антропонимлар билан бевосита боғлиқ томони шундаки, адресант (номловчи ҳар қандай шахс: ота-она, адаб, шоир, драматург), обьект (чақалоқ, персонаж)га исм танлар экан, ўзи ҳам билган ва билмаган ҳолда бир неча нуқтаи назар (замон, миллӣ менталитет каби ички ва ташқи таъсир омиллар)ни инобатга олади.

Бу ўринда аввало шуни айтиб ўтиш керакки, машхур рус олими В.Г.Белинский аллақачон эътироф этгани ва таъкидлаганидек, “Тил ўз ҳолиша, фақат восита бўлувчи материалдир” [3,27]. Зоро, тил нарса ва ҳодисалар, улар ҳақида хилмажил ҳамда мураккаб тушунчалар, уларнинг қирраларини асосий белги, хусусиятларига таянган ҳолда умумлаштириб ва яккалаб номлайди. Нарса ва ҳодисаларни, обьектив оламдаги барча мавжуд борлиқни умумлаштириб номлаш инсон тафаккури ва тилининг улуғ мўъжизасидир. “Аммо жамиятнинг кундалиқ мuloқоти, лисоний ҳаёти учун зарур бўлган иккинчи бир эҳтиёж ҳам бор. Бу, обьектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, тирик мавжудотларнинг ҳар бирини алоҳида, яккалаб, доналаб номлашдир” [7,8]. Айнан мана шу яккалаб номлаш шарофати туфайли “конкрет бир халқ ёки миллат тили и к к и х и л ижтимоий функцияни бажаради: б и р т о м о н д а н колектив аъзолари орасидаги ўзаро алоқа учун хизмат қилиб, уларни бирлаштиради. Демак, у а л о қ а ҳамда б и р л а ш т и р и ш воситасидир.

И к к и н ч и т о м о н д а н, тил турли коллективларнинг бир-бирларидан ажralиб тuriшларини таъминлайди. Масалан,

тоҷиклар ўзбеклардан, қозоқлар қирғизлардан, корейслар японлардан биринчи галда ўз тилларининг ҳар хил бўлиши туфайли ажралади. Демак, бу маънода тил а ж р а т и ш қуролидир” [7, 147].

Биз бу фикрларни мавзумизга бевосита алоқадорлиги учун таъкидлаб келтиридик. Зеро, антропонимлар дискурс релевантни сифатида б и р л а ш т и р и ш в а а ж р а т и ш (фарқлаш)лик функциясини ҳам бажаради. Масалан, бирор нотаниш киши сизга исмингиз (фамилия ёки отангизнинг исми) орқали мурожаат қилса, бирдан ўртадаги бегоналик маълум маънода орта чекинади. Яъни, сиз мурожаат қилувчига худди эски танишга қарагандек юзланасиз. Антропонимларнинг айнан мана шундай хусусияти мавжудлигини америкалик машҳур социолог олим Дейл Карнеги бир қатор асарларида қайта-қайта таъкидлайди. Жумладан, дунёнинг бир неча тилларида кўплаб нусхада нашр этилган “Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин” номли асарининг “Агар буни билмассангиз, сизни кўнгилсизликлар кутади”, деб номланган бобида бу мавзуга алоҳида тўхталади ва шундай хulosага келади: “Одамлар ўзларининг исмлари билан шундай ғуурланадиларки, уни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам умрбод қолдиришга интиладилар... Шундай қилиб, агар сиз одамларга ёқмоқчи бўлсангиз, учинчи қоидага риоя қилинг. Эсада тутинг, одамларнинг исми – унинг учун ҳамма

тилда энг ёқимли ва энг муҳим товуш ҳисобланади...” [9, 75-78].

Антропоним (исм)ларнинг бу каби бирлаштирувчилик хусусиятлари ҳақида қатор илмий-оммабоп асарлар орқали ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлган Турсуной Содиқованинг “Муроса илми” (Тошкент: Faafur Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016), Сиддиқ Мўминнинг “Мулоқот мезони” (Тошкент: Янги аср авлоди, 2004) рисолаларида ҳам асосли фикрлар билдирилган.

Антропонимларнинг а ж р а т и ш (ф а р қ л а ш) хусусиятлари деганда, уларнинг бир миллатни иккинчи миллатдан, бир мурожаатнинг иккинчи мурожаатдан фарқли жиҳатларини назарда тутамиз. Яъни, масалан, Алишер Тўйчиев исм-фамилиясини эшлишишимиз (ёки ўқишишимиз) билан ўзбек, Алексей Попов орқали рус миллатига мансуб киши кўз олдимишга келса, Алишержон орқали норасмий, Алексей Иванович орқали расмий мурожаатлар хаёлимиизда жонланади.

Х у л л а с:

а) дискурс тушунчаси ҳозирги даврда шиддат билан содир бўлаётган фанлар интеграциясини ўзида яққол намоён этади;

б) антропонимларни дискурс релевантни сифатида бу тарзда ўрганиш инсон нутқини антропоцентрик нутқи назардан тадқиқ этишда янги саҳифаларни очади.

Адабиётлар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1969.
2. Бегматов Э. А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Т.: Фан, 2013.
3. Белинский В.Г. Избр. соч., III том. – М., 1941.
4. Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978. – С. 467-468.
5. Русча-ўзбекча луғат. – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Баш редакцияси, 1984.
6. Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004. – С. 7-8.
7. Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Т.: Ўқитувчи, 1972.
8. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Т.: Фан, 2013.
9. Карнеги Д. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин. – Т.: Шарқ, 2010.

(Такризчи: С.Мўминов – филология фанлари доктори, профессор).